

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИ

**Иқтисодиёт мактаби асосчиси
И.Т.Абдукаримовнинг 85 йиллик
юбилейига бағишланади**

**«ИҚТИСОДИЁТНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ»**

**мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий
конференцияси**

МАТЕРИАЛЛАРИ

(I -қисм)

(2017 йил 24-25 февраль кунлари)

САМАРҚАНД – 2017

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истиқболлари / 2017 йил 24-25 февраль кунлари. Республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари (I-қисм). Самарқанд, СамИСИ, 2017. – 252 бет.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:

Иқтисод фанлари доктори, профессор – **М.Қ.Пардаев**

Нашр учун масъуллар:

М.М.Мухаммедов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Ж.Р.Зайналов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

И.С.Тухлиев – иқтисод фанлари доктори, профессор,

К.Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Қ.Ж.Мирзаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Б.А.Абдукаримов – иқтисод фанлари номзоди, профессор

Х.И.Турдибеков – иқтисод фанлари номзоди, доцент

Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш тенденцияси ва истиқболлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш муаммоларига оид масалалар ёритилган. Унда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари, мазкур соҳада менежмент, маркетинг ва молиявий муносабатлар, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш, туризм соҳасини ривожлантириш, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш ва шулар орқали аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масалаларини ҳал қилиш бўйича илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақолалар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, катта илмий ходим-изланувчилар ва соҳа мутахассисларга мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2017

Б.А.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.,
М.М.Аллаёров – СамИСИ магистранти

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАЛАРИНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ҳозирги вақтда Республика, аҳолисининг 61 фоизи қишлоқ жойларида яшайди. Бу вазият ҳозирнинг ўзидаёқ рўй бериши мумкин бўлган ижтимоий тангликнинг олдини олувчи ҳамда қишлоқ жойларда яқин келажакдаёқ аҳолининг турмуш даражасини анча оширишга имкон берувчи янги тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ривожлантириш борасида зарур чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда. Гарчи мустақилликнинг дастлабки йилларида шўро давридаги 70 йилдагига нисбатан қишлоқларни газлаштириш ва ичимлик сув билан таъминлаш 3-4 барабар кўпайган бўлсада, қишлоқларимиз қиёфаси секин ўзгармоқда, уни эса тадбиркорликни ривожлантириш орқали амалга ошириш мумкин.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотнинг иккинчи босқичида қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш, ортиқча ишчи кучини жалб этиш мақсадида кичик корхоналар барпо этиш ҳамон долзарб масала бўлиб турибди. Бошқача айтганда, 3,6 миллион қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнатга яроқли одамларнинг деярли 2,2 миллион нафарини бемалол саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ўтказиш мумкин.

Жаҳон тажрибасига кўра, қишлоқ жойларида кичик бизнесни ривожлантириш ва хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ушбу муаммони ҳал этишнинг энг самарали йўли ҳисобланади. Хом ашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини қайта ишлаш, замонавий ўраш-жойлаш материалларидан фойдаланиш хорижий мамлакатлар бозорларида Ўзбекистондаги кичик қишлоқ корхоналари маҳсулотларининг юқори даражада рақобатбардошлигини таъминлай олади.

Шу мақсадда республикада кичик ва хусусий бизнесни шакллантириш ва ривожлантиришни таъминловчи зарур ҳуқуқий асос яратилган. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида, Республика Президентининг фармонларида, ҳукумат қарорларида кичик ва хусусий бизнесдан солиқ олиш, унга молиявий ёрдам кўрсатиш борасида имтиёзлар бериш, имтиёзли кредитлар ажратиш, бизнесни ташкил этишда, уни моддий-техника ва хом ашё ресурслари билан таъминлаш борасида кўмаклашиш назарда тутилган.

Президентимизнинг 2012-йил 10-майдаги «2012-2016-йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги ва 2013-йил 17-апрелдаги «2013-2016-йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

2011-йилда ялпи ички маҳсулотда соҳанинг улуши 50,5 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 54,5 фоизга етди. Иш билан банд бўлган аҳолининг 50 фоиздан ортиғи ушбу соҳада фаолият кўрсатмоқда. 80 мингдан зиёд кичик бизнес субекти алоқа, ахборотлаштириш, молия, соғлиқни сақлаш, транспорт, қурилиш, туризм ва бошқа йўналишларда хизмат кўрсатмоқда. 2200 кичик корхона хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган имтиёзлардан фойдаланмоқда.

2012-2015-йилларда хизмат кўрсатиш корхоналарига 4 триллион 167 миллиард сўмдан зиёд кредит ажратилган. Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига мувофиқ 51,9 мингта лойиҳа амалга оширилган. Бу борадаги ишлар мамлакатимизнинг қишлоқ худудларида ҳам жадал ривожлантирилмоқда хусусан: қишлоқ жойларда ҳамда намунавий лойиҳалар асосида қурилган аҳоли массивларида хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича 2013-2015-йиллар мобайнида қарийб 22 мингта лойиҳа ишга туширилган.

Касб-ҳунар коллежларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бўйича ўқув йўналишларида минглаб йигит-қизлар таҳсил олмоқда. Жумладан, меҳмонхона иши, компьютерда дастурлаш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва маиший хизмат кўрсатиш йўналишлари қишлоқ жойларида соҳани ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий янги ланишларни чуқурлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор йўналишлар янада изчил ривожлантирилмоқда. Хусусан, 2015 йилнинг январ-ноябр ойлари якунига кўра, хизмат кўрсатиш соҳасида ўсиш суръати 114,8 фоизга етказилди. Кўрсатилган хизматлар ҳажми 72545,8 млрд сўмни ташкил этди. Хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича ўтган 11 ой мобайнида жами 13476 та лойиҳа амалга оширилиб, шундан 6 мингдан ортиғи - савдо, 3,7 мингтадан ортиғи - маиший хизмат соҳасига тўғри келди. Энг юқори ўсиш суръатлари молиявий хизматлар - 133,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш хизматлари - 127,1 фоиз, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари - 124,2 фоиз, компьютерларни дастурлаш бўйича хизматлари - 121,1 фоиз, маиший хизматлари - 120,3 фоиз, қурилиш хизматлари - 117, 9, савдо хизматлари - 116,9 фоиз, туризм хизматлари - 116,2 фоиз ҳамда бошқа турдаги хизматларда таъминланди.

Ушбу фикрларимиз далили сифатида қуйидаги маълумотларни келтириш мумкин. Республикамиз бўйича қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси хусусан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг қанчалик тарзда шиддат билан ривожланаётганини кўришимиз мумкин.

1- жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, республикамиз ва вилоятлар бўйича қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 2015 йилда 2013 йилга нисбатан кескин ошганлиги фоизларда ҳам яққол

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида қишлоқ аҳолисига маиший
хизмат кўрсатиш ҳажми (миллион сўм)**

	Ҳудудлар	Йиллар			2015 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариши	
		2013	2014	2015	(+ -)	(%)
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	5949,0	57635,6	78288,8	72339,8	1315,9
2.	Андижон	111967,8	128543,8	156072,5	44104,7	139,4
3.	Бухоро	22009,2	35420,1	39207,9	17198,7	178,1
4.	Жиззах	8220,2	19058,1	21867,8	13647,6	266,1
5.	Қашқадарё	8810,1	12311,4	16200,4	7390,3	183,9
6.	Навоий	11596,0	16435,2	33219,5	21623,5	286,5
7.	Наманган	56007,9	83954,5	112448,9	56441	200,8
8.	Самарқанд	62098,8	115990,9	153141,8	91043	246,6
9.	Сурхондарё	39761,9	143516,4	173685,9	133924	436,8
10.	Сирдарё	3944,0	5676,7	7037,1	3093,1	178,4
11.	Тошкент вилояти	19498,0	28591,9	333598,3	314100,3	1710,9
12.	Фарғона	90011,5	84991,7	112427,3	122415,8	124,9
13.	Хоразм	36763,0	54403,7	66785,4	30022,4	181,7
14.	Тошкент шаҳри	26,6	369,3	247,3	220,7	929,7
15.	Республика бўйича	476664,0	786899,3	1004228,9	527564,9	210,7

**Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами маълумотлари асосида
муаллиф томонидан ҳисобланган.**

намоён. Биргина Тошкент вилоятини оладиган бўлсак, 2013 йили аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 19498 млн сўмни ташкил қилган бўлса, 2015 йилга келиб бу кўрсаткич 333598 млн сўмдан ортиқроқни ташкил қилди. Ўсиш кўрсаткичи 314100,3 млн сўм ва 1710,9 % га ўсганини кўришимиз мумкин. Энг паст кўрсаткич эса Фарғона вилоятида яни, 2015 йилда 2013 йилга нисбатан кўрсатилган маиший хизматлар ҳажми 122415,8 ва ўсиш 24,9 % га тенг. Тубдан ўзгаришлар, асосан, қишлоқ жойларда, аҳоли даромадларининг ортиши, янги уй-жойлар қурилиши ҳамда ободонлаштириш, қишлоқ жойларда яшайдиган аҳоли турмуш тарзининг юксалиши ҳисобига амалга оширилмоқда. Бундан кўринадики, хизмат кўрсатиш соҳасидаги жадал ўсиш суръатлари қишлоқ жойларнинг ривожлантирилиши билан бевосита боғлиқ. Бу борада, 2015 йилда қишлоқ жойларда кўрсатилган умумий хизматлар 2014 йилга нисбатан таҳлил қилиниб 16088,7 млрд сўм ёки 115,0 фоиз ўсган.

Шу билан бирга, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури ижросининг бир ярим йил ичида бажарилган ишлар натижаларининг таҳлили ҳам киши эътиборини тортади. Масалан,

қишлоқ жойларда туризм хизматини кўрсатиш ҳиссаси умумий туристик хизматларда 18,4 фоиздан 32,6 фоизга ёки 14,2 пунктга ўсган. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаларини тузатиш ва уларга хизмат кўрсатиш - 5,0 пунктга, тиббий хизмат кўрсатиш - 3,0 пунктга, компьютер хизматлари - 3,6 пунктга ўсганлигини кузатиш мумкин.

Кичик бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма томонидан Республиканинг 187 туман ва шаҳарида бўлимлар очилди. Қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва хизматлар кўрсатиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун ушбу жамғарма томонидан 256 миллион сўмдан ортиқ кредит ажратилди.

Шунга қарамай, қишлоқ жойларда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам етарли. Бу, аввало, қишлоқ жойларда иқтисодий ислохотларнинг бориши орқада қолаётганида, хусусан, кичик бизнес корхоналари шохобчаларини шакллантириш ғоят суст ва кам самара билан амалга оширилаётганида кўринади.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат ресурсларини тақсимлашнинг ривожланган мамлакатларда қарор топган мақбул тармоқ тузилмасини ҳисобга олиб, меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг камида 50 фоизини хизматлар кўрсатиш соҳасига жалб этишга эришиш зарур. Бунинг учун нима қилиш керак? Аввало, қишлоқ жойларидаги ҳақиқий аҳволни таҳлил қилиб унга асосан муаян чора-тадбирлар белгилаш лозим.

Бу вазифани ҳал этиш борасида Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Жиззах, Наманган, Хоразм вилоятларида ташкилий ишлар етарли даражада амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда қолган вилоятларимиз қишлоқларида ҳам хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини тубдан яхшилаш чорларини кўриш лозим. Қишлоқ меҳнаткашларининг бино ва майдонларга эгалик қилиш, уларни касбга қайтадан ўргатиш ва қишлоқ аҳли учун зарур маиший хизмат турларини ривожлантириш масалалари ҳал этилиши лозим деб ўйлаймиз.

М.Х Сувонов – Самарқанд иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси,

А.Т.Рахмонова – Самарқанд молия ва иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси

ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ

Ҳар қандай иқтисодий тизимнинг мақсади доимо ўсиб, ўзгариб боровчи эҳтиёжларни қондиришдан иборат. Пировард натижада худди шу ҳолат унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлайди. Такрор ишлаб чиқариш назарияси жамиятда рўй берадиган умумий иқтисодий жараёнларни товарлар ва хизматларнинг доимо янгиланиши, кенгайиши ва сифатининг ошиши билан ўзаро алоқадорликда кўриб чиқади.

МУНДАРИЖА:

I ШҶЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИ, АҲОЛИ ҲАЁТ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ”		
Болтабаев М.Р., Пардаев М.Қ.	Хизмат кўрсатиш соҳасини 2017-2020 йилларда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифалари	3
Мухаммедов М.М.	Инсон манфаатларини рўёбга чиқариш – иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш ва аҳоли ҳаёт фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омили	7
Пардаев М.Қ., Пардаева И.М.	Халқ билан мулоқотнинг ва инсон манфаатларининг мазмуни, уни ҳал қилишда хизматларнинг ўрни	11
Саламов И., Назарова М.Ш.	Мева-сабзавот маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиш хизматларининг иқтисодий самарадорлиги	15
Усмонов М.Р., Жумабоев Т.Ж.	Хизмат кўрсатиш соҳалари географиясининг айрим масалалари	18
Shoho‘jayeva Z.S., Xudoyberdiyeva S.	Fermer xo‘jaliklari va xizmat ko‘rsatish korxonalari o‘rtasidagi munosabatlarni takomillashtirish	21
Xudoyberdiyev U.X., Odinaqulova H.	Mamlakat iqtisodiyoti rivojlanishida xizmatlar sohasining tutgan o‘rni	24
Шохўжаева З.С., Худойбердиева У.	Ижтимоий инфратузилма ва хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати	28
Абдукаримов Б.А., Аллаёров М.М.	Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг жадал ривожлантириш масалалари	31
Сувонов М.Х., Рахмонова А.Т.	Таълим хизматлари бозорининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни	34
Умидиллаев Ж.У.	Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда интеллектуал транспорт тизимларининг ўрни	37
Музаффарова К.З.	Аҳоли турмуш даражасини оширишда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти	42
Ташев Ф.Н., Рахимов З.К.	Хизматлар соҳасининг мазмуни, моҳияти, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишдаги ўрни	45